

## ТАБИЙ ОФАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ СЕЛ ТОШҚИНЛАРИДАН ХИМОЯ ҚИЛИШ

*Аннотация:* Мақолада трансчегаравий фавқулодда вазиятлар уни қўшни республикалар билан биргаликда хал қилиш, аҳоли ва ҳудудларни сел тошқинларидан химоя қилиш, ёгин интенсивлигини баҳолаш провардида сел тошқинларини башорат қилиш, сел тошқинларидан огохлантириш, олдини олиш, унинг тасир доирасини камайтириш, аҳолини манзилли огохлантириш механизмини ишлаб чиқиш масалалари таҳлил қилинган.

*Калит сўз.* сел, фавқулодда вазият, хавф, таҳдид, мониторинг, прогноз, маълумот алмашинуви, манзилли огохлантириш.

### ЗАЩИТА НАСЕЛЕНИЯ ОТ НАВОДНЕНИЯ.

*Аннотация:* В статье рассматриваются трансграничные чрезвычайные ситуации с соседними республиками, защита от наводнений, прогнозирование наводнений, предупреждение, предотвращение наводнений, снижение их воздействия, разработка механизма адресного оповещения населения.

*Ключевое слово.* наводнение, чрезвычайная ситуация, риск, угроза, мониторинг, прогнозирование, обмен информацией, адресное предупреждение.

### DISASTER PROTECTION OF THE POPULATION FROM FLOOD.

*Annotation:* The article deals with cross-border emergencies and their joint solution with neighboring republics, flood protection, flood forecasting based on rainfall intensity assessment, flood warning, flood prevention, mitigation, issues of developing a targeted warning mechanism for the population were analyzed.

Key words: flood, emergencies, danger, tread, monitoring, prognosis, information exchange, addressable alert

**Кириш.** Информацион технологияларнинг тараққий топганлиги туфайли табиий офатлар борасида ФВВ ва Гидрометеохизматнинг шошилинич

хабарларини мамлакат аҳолиси тезда қабул қилиш имкониятларига эга бўлди. Бундай ҳодисалар қуйидагилар бўлиши мумкин: ҳавонинг ҳаддан ташқари исиб ёки совиб кетиши, қуёш фаоллиги, ёғингарчиликнинг ҳаддан ташқари кўп бўлиши, кўчкилар, сел ва ер силжишлари. 2019 йил олдинги йилга нисбатан мамлакатнинг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида табиий офатлар борасида хабарларнинг кўплиги билан ажралиб турди. Бунинг устига илгари бундай хабарлар асосан қишги-баҳорги даврга тўғри келган бўлса, у йили бундай ҳолат ёз ойларида ҳам кузатилди. Сел – тоғдан катта тезлик билан пастга оқувчи, йўлида учраган нарсани вайрон этишга қодир қаттиқ жисм аралаш қуйка сув оқими. Бундай офат турли комуникация ускуналари, бино, қурилмалар, сув иншоатлари ва суғориш дренажлар тизимини вайрон этиб, мамлакат иқтисодиётига моддий жихатдан катта зарар етказибгина қолмай, кўпинча уй ҳавонлари, ҳатто, баъзан одамлар умрига ҳам зомин бўлмоқда. Селнинг етказадиган моддий зиёни жуда катта, бироқ унинг зарари бу билан чегараланиб қолмайди.

**Асосий қисм.** Ўзбекистон ва қўшни республикалар бир нечта транеҳгаравий хусусиятга эга фавқулодда вазиятлар келтириб чиқариши мумкин бўлган таҳдидларни ҳамкорликда ҳал қилиши лозим. Айни пайтда, оқар сувнинг 9% гина бизнинг мамлакатимиз ҳудудига тўғри келади. Қолган фоиз эса қўшни мамлакатлар – асосан, Тожикистон ва Қирғизистондан оқиб келади. Хусусан, 2015 йили об-хаво хароратининг исиши натижасида Тожикистоннинг бир нечта туманларидаги тоғли ҳудудларга сел келган. Бунинг оқибатида жами 72 та хонадон бузилган ҳамда 15 нафар фуқаро ҳалок бўлган, умумий зарар миқдори 600 млн. сомони (деярли 100 млн. АКШ доллари) ташкил этган [4.]. Бу каби вазиятлар Қирғизистоннинг айрим ҳудудларида ҳам қайд этилган бўлиб, Ала-Арча, Кизил-Арт ва Сўх дарёларида сув сатхининг кескин кўтарилиши кузатилган.

Бугунги кунга қадар Ўзбекистон ҳудудида йирик талафотлар келтирган транеҳгаравий хусусиятли фавқулодда вазият (сел оқими) Шохимардонда содир бўлган. Шохимардон ўзининг алоҳида табиий географик хусусиятлари

билан ҳам ажралиб туради. Мазкур, эксклав ҳудуд тарихан сел тошқинлари ва зилзилалардан зарар кўриб келган. Шундай халокатли сел тошқинлари Фарғона водийсида, биргина Исфайрамсойнинг ўзида 1928, 1966 (июнь) ва 1977 (май-июнь) йилларда Шохимардонсойда (1998 йил 7-8 июль) аҳоли, уларнинг уй-жойлари, мол-мулки ва бошқа халқ хўжалиги объектларига катта талофат келтирган [2, б.5]. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси трансчегаравий фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш борасида минтақа давлатлари билан бир нечта келишув имзолаган бўлиб, уларнинг аксариятида маълумот алмашувига алоҳида урғу берилган. Хусусан, маълумот алмашуви масалалари МДХ доирасида 1993 йилдаги "Табиий ва техноген фавкулудда вазиятларда хабар бериш ва ҳамкорликда ҳаракатланиш тўғрисидаги келишувнинг 3-моддасида, 1998 йилдаги "Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон ўртасида фавкулудда вазиятларда ҳамкорлик қилиш тўғрисида"ги келишувнинг 4-моддасида ҳамда 2005 йили ШХТ доирасида имзоланган "Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг фавкулудда вазиятларда ҳамкорликда ҳаракатланиш ва ёрлам кўрсатиш тўғрисида"ги келишувнинг 2-моддаси 5- бандида кўрсатиб ўтилган. шу ўринда ўзбекистон республикаси президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги пқ-4896-сон қарорининг 1-иловасида 2020 — 2025 йилларда ўзбекистон республикаси гидрометеорология хизматини ривожлантириш концепцияси 2-бобидаги қуйидаги фикрларни келтириш мумкин:

маълумотларни тўплаш, ишлов бериш ва тақдим этишнинг замонавий воситалари ва технологияларидан фойдаланган ҳолда кузатув тармоғидан олинадиган ахборот ресурслари интеграциясини таъминлаш;

гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

иқлимга боғлиқ табиий офатлар, иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг салбий оқибатларини юмшатиш чоралари тўғрисида аҳоли хабардорлигини ошириш.[3] Бундан кўриниб турибдики сел тошқинларини олдини олиш унинг тасир доирасини камайтириш, аҳолини манзилли огохлантириш механизмини

ишлаб чиқишни тақозо этади. Ўзгидрометеомарказ климатологларининг маълумотларига кўра иқлим ўзгаришига сабаб бўладиган омиллардан бири иқлим тизимининг номутаносиблиги бўлиб, бу ўз навбатида асосий ёғин мавсуми баҳор ойларига тўғри келиши, қисқа муддатда кўп миқдордаги ёғиннинг ёғиши оқибатида табиий офатларнинг кўпайишига олиб келади. Иқлимий ўзгаришлар орасида кўпроқ кўйидаги ҳолат тахмин этилади:

– ёғингарчилик кунларнинг сони кўпайиб, уларнинг ўзгариб туриши ортади, бу эса сел ҳосил бўлишга олиб келади;

– қўрғоқчилик келиши ортиб, қуруқ иссиқ давр муддати чўзилади, бу эса ёғин-сочин бўлишини камайтириб, ўт-ўланларнинг тикланишини қийинлаштиради. Шунинг учун сел тошқини эҳтимолига доим тайёр туриш зарур.

**Муаммонинг ечими.** Селни баратараф этишдан кўра, унинг олдини олиш ва аҳолини барвақт манзилли огохлантириш самарали натижа беради. Дунёнинг ривожланган давлатларида ёғин интенсивлигини ўлчашнинг замонавий технологияси яратилган бўлиб бу орқали ёғин жадаллиги баҳоланади. Қуйидаги йўналишлар орқали сел тошқинларидан аҳолини барвақт ва манзилли огохлантириш мумкин:

– сел хавфи юқори бўлган ҳудудларни ва селхоналарни аниқ ҳудудларини аниқлаш;

– гидрометеорология ва иқлим ўзгариши соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

– ёғин интенсивлигини ўлчаш қурулмаси ва технологиясини миллий моделини яратиш, яратилган қурулмаларни трансчегаравий хавзаларга ўрнатиш;

– масофадан ёғин жадаллигини баҳолаш қурулмаларидан сигналларни олиш дастурини яратиш;

– республикада фаолият олиб бораётган мобил алоқа кампанияларини сел келиш хавфи юқори бўлган ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳолининг гуриҳини шакллантирувчи дастур ишлаб чиқиш ва манзилли огохлантириш;

– сел келиш хавфи юқори бўлган аҳоли манзилгохлари марказларига табиий офатлар содир бўлганда аҳолини огохлантирувчи серена сигналларини ўрнатиш. Шундай қилиб, сел хавфини баҳолаш борасида юқорида баён этилган тадбир ва кўрсатмаларнинг бирор бир томонини эътиборсиз қолдириш ёхуд уни бажармаслик аҳоли ва ҳудудларни хавф остига қўйиши мумкин.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда трансчегаравий хусусиятли фавқулодда вазиятлар таҳдиди юқори даражада сакланиб қолаётган бир шароидда, минтақа доирасидаги аксарият ҳужжатлар турли ташкилотлар доирасида қабул қилинганини кўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, икки томонлама хусусиятга эга муаммоларни ечиш имкониятини пасайтиради. Аслида кўшни республикалар ҳудудида ёғин интенсивлиги натижасида вужудга келадиган сув тошқинлари, сел ходисаларини олдиндан мониторинг қилиш тизими, технологияси ва ягона минтақавий тармоқ механизмини ишлаб чиқиш керак. Шундан келиб чиқиб, трансчегаравий ФВнинг олдини олиш, оқибатларини камайтириш ва уларни бартараф этиш тартибини белгиловчи икки томонлама шартномалар имзоланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бироқ шиддатли равишда ўзгариб бораётган табиий ва ижтимоий шароитлар биздан зудлик билан чора кўришни талаб қилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. ЕҲҲТнинг иктисодий ва экологик масалаларга бағишланган форумида Ўзбекистон Республикаси ФВВ вазирининг биринчи ўринбосари, штаб бошлигининг маърузаси. - Т, 2015.

2. Пирназаров Р.Т., Хикматов Ф.Х- Тўғонли кўлларнинг гидрометеорологик режим» ва улар хавфини камайтириш масалалари (Қурбонқўл мисолида). -Т.: Фан ва технология. 2013.

3. <https://www.lex.uz/search/nat?actnum=4896>. ҚҲММБ, 18.11.2020 й., 07/20/4896/1523-сон

4. Тожикистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг расмий вебсайт» И [www.mchs.tj](http://www.mchs.tj).

5. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг расмий

вебсайт» [www.mchs.uz](http://www.mchs.uz).